

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ДИРЕКТОР ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ.
АХМАДАЛИЕВ СИДИКЖОН ЙИГИТАЛИЕВИЧ

Калит сўзлар: тарбия, ғоявий, ахлоқий, эстетик, инсонийлик, бағрикенглик, маънавият, қадрият, тамойил.

Ключевые слова: воспитания, идеологическое, нравственное, эстетическое, гуманность, толерантность, духовность, ценности, принципы.

Кейвордс: эдусатион, идеологисал, морал, аестхетис, хуманитй, толерансе, спиритуалитй, валуес, принсиплес.

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг педагогик зарурати ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, олий таълим жараёнида тарбиявий ишларни ташкил этиш мазмуни ва мезонлари илмий манбалар асосида ёритилган. Ўқув тарбия жараёни мазмунига қўйиладиган талаблар ва тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар берилган.

Аннотация

В статье описываются взгляды на педагогическую необходимость организации воспитательной работы в системе высшего образования. Также на основе научных источников освещаются содержание и критерии организации воспитательной работы в процессе высшего образования. Даны требования к содержанию учебного процесса и методические рекомендации по организации воспитательной работы.

Аннотатсион

Тхе артисле десcribes тхе viewс он тхе педагогисал несесситй оф организинг эдусатионал work ин тхе хигхер эдусатион сйстем. Алсо, он тхе басис оф ссиентифис соурсес, тхе контент анд сритериа оф тхе организатион оф эдусатионал work ин тхе просесс оф хигхер эдусатион аре хигхлигхтед. Тхе рекуирементс фор тхе контент оф тхе эдусатионал просесс анд метходологисал ресоммендатионс фор тхе организатион оф эдусатионал work аре гивен.

Янги Ўзбекистонда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг маънавий юксалиши ва

янгиланиши сари юз тутган бир пайтда Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарорида “Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида” вазифалар белгиланганлиги ёш авлод тарбиясида маънавиятнинг устуворлигини яна бир қарра тасдиқлайди [1].

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавиват ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Маънавияти юксак шахслар юртни танитади. Шахсни эса, унинг маънавий қиёфасини танитади. Маънавият – тарбиядан бошланади. Таълим – тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир.

Ёш авлодни тарбиялаш масаласи таълим тизимининг асосий мақсади ҳисобланади. Янгиланаётган жамиятимизнинг барча босқичларида: ғоявий-сиёсий, ахлоқий–эстетик тарбия нуқтаи назаридан ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш долзарб саналади. Ривожланаётган давлатимизга зарур бўлган

малакали мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш, олиб бораётган ислохотларнинг мажмуасини ташкил этади.

Олий таълим жараёнида тарбиявий ишларни ташкил этиш мазмунининг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш танлаш учун мавжуд муаммоларнинг оптимал ечимларини топиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонунида таълим соҳасидаги асосий тамойиллар таркибига “таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги; таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусият”га эга бўлиши белгиланган [2]. Шу нуқтаи назардан ёшларни тарбиялаш уларни қўллаб қуватлаш ҳар қандай ёт ғоялардан сақлаш, маънавий баркамол шахс қилиб тарбиялаш мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутати:

- 1) *инсонпарварлаштириш;*
- 2) *милатлараро тотувлик;*
- 3) *миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш ва таркиб топтириш;*
- 4) *ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш;*
- 5) *инсонийлик ва бағрикенглик;*

Тарбиявий ишларни ташкил этиш мазмунини инсонпарварлаштириш бу таълим тизими ва бутун таълим жараёнини ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, педагоглар ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, шахсий кадр-қимматларининг ҳис этишларини таъминлаш ва шахсий имкониятларини ривожлантиришга ва маънавий муҳитни яхшилашга хизмат қилади.

Олий таълим ва тарбия мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ўқув тарбия жараёни мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Ўқув тарбия жараёни мазмуни мавжуд таркибининг бойлигига кўра умумий таълимий ва тарбиявий характер ҳамда кучли муаммоли ва кўп ҳадли қурилишга эга бўлиш керак.

2. Ўқув тарбия жараёни мазмуни келгусидаги маънавий, ахлоқий тарбия учун қулай шароит яратиши лозим. Бу эса бугунги кундаги тарбия жараёнининг мазмунининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Бундай ёдашув орқали ўқув тарбия жараёни талабани ижтимоийлаштиришга йўналтирилади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳар бир талаба ўзи эгаллаган билим ва тажрибалари ёрдамида ахборотларни танлайди ва уларни ўзлаштиради. Шунингдек, талаба ўзлаштирган ахборотларини янги тушунчалари доирасига сингдириши керак;

- ўқув тарбия жараёни шундай ташкил этилиши керакки, талабалар ўқитувчилар ёрдамида ўз мақсадлари ва ташаббусларини намоён қила олсинлар;

- талабаларда тарбия жараёнига онгли муносабатни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Тарбия жараёнини режалаштиришда талабаларнинг ижодий фаол фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилади.

3. Тарбия жараёнининг мазмуни бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта тарбиялаш методлари ва технологияларини қўллаш учун имконият бериши керак.

4. Тарбия жараёнининг мазмуни долзарб ва қизиқарли бўлиши ҳамда ҳозирги кишилик жамияти учун зарур бўлган масалаларни ҳамда мақсадларни қамраб олиши лозим.

Тарбиявий ишларни ташкил этишда қатор мезонларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Тарбия жараёни мазмунининг бирликлари, элементлари талабаларни тарбиялаш, ўрганиш, уларни янги ахборотлар билан таъминлаш ва вазифаларни ечишга ундаши, бунинг натижасида уларда ижодий фаоллик майлларини ҳосил бўлиши таъминланади.

2. Тарбия жараёнининг мазмуни шундай танланаш керакки, натижада талабалар мустақил тарзда ўз фаразларини илгари сура олсинлар. Бу эса, уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги учун имконият яратади.

3. Тарбия жараёнининг элементлари атроф-муҳит, моддий борлиқнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлиши лозим. Бунинг натижасида талабалар ўзлари эгаллаган билимлари ва шахсий тажрибаларини амалий фаолиятлари давомида қўллаш олишлари керак.

Кейинги вақтларда айрим олий таълим муассасаларида ёшлар жамоат ташкилотларининг ташаббускорлиги сусайиб, улар фақат ойлик бадалларни йиғиш билан, баъзи жойларда эса тадбиркорлик деб, савдо-сотик ишларини ташкил қилиш, билан чекланиб қолганлиги сезилмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар маънавиятини юксалтиришда раҳбарият билан яқиндан ҳамкорлиги жуда ҳам зарур. Асосий ташкилий ишлар уларнинг ташаббуси билан амалга оширилса, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди.

2. Президентимиз ва ҳукуматнинг маънавият ва маърифатга оид фармонлари ва қарорларини жамоада кенг муҳокама қилиш, улардан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш.

3. Республика “Маънавият ва маърифат” Кенгаши, вилоят, шаҳар ва тумандаги, тегишли бўлимлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, мазкур ташкилотлар ходимлари билан доимий учрашувлар ўтказиб туриш.

4. Барча факультетлар талабалари таълим оладиган бинолар ва талабалар турар жойларида “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этиб, уни жиҳозлаш. Олий ўқув юрти ва талабалар турар жойларининг асосий кириш жойларида, кутубхона ва ўқув залларида халқимизнинг маънавий бойлигини ва

маърифатлилигини тараннум этувчи “Юксак маънавият ва маърифатлилик - мустақил келажагимиз гарови” мавзуида китоблар, плакатлар кўргазмасини тарғиб қилиш.

5. Республика “Маънавият ва маърифат” Кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида мунтазам равишда китоб ярмаркаси ташкил этиш.

6. Ихтисослиги яқин ўқув юртлари маънавият ва маърифат ишлари проректорлари, бўлим бошлиқлари, методистлар ва факультетлар деканларининг шу соҳа бўйича муовинлар иштирокида мунтазам равишда қилинаётган ишлар, тажрибалар, вазифалар хусусида семинарлар ва анжуманлар ўтказиб туриш.

7. Барча фанларни ўқитишда таълим жараёнида асосий эътиборни талабаларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашга қаратиш.

8. Ҳар ўқув йилининг сентябрь ойида мустақиллик тамойилларини чуқур сингдириш мақсадида мустақиллик рамзларига бағишланган қўшимча дарслар ташкил этиш. (Бу дарсларни ижтимоий фанлар ва адабиёт фанлари ўқитувчилари ўтказсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди).

9. Барча ўқувчи ва талабалар учун ҳафтани бир (*чоршанба*) куни дарсдан сўнг мунтазам ўтказилиб туриладиган қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

1 - *чоршанба* - Президентимиз асарлари ва нутқларини ўрганиш.

2 - *чоршанба* - Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва республика қонунларини ўрганиш.

3 - *чоршанба* - ахлоқий - маърифий ўқувлари (бунда Қуръони карим, ҳадис ва дин илмининг кўзга кўринган намояндалари асарларидан ҳам кенг фойдаланиш).

4 - *чоршанба* - бозор иқтисодиёти муносабатлари ўқуви.

Ушбу ўқувлар тасдиқланган жадвал асосида тарих, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшунослик, этика ва эстетика, одобнома, ҳуқуқ кафедралари профессор - ўқитувчиларини тўлиқ жалб қилган ҳолда, Қуръони карим, ҳадис илми ҳамда ислом тарихини яхши биладиган мутахассислар ҳам иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Барча профессор - ўқитувчилар учун ҳар ойнинг жума кунларида мунтазам равишда қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

а) Мустақиллик дарслари (Президент асарлари, нутқлари, фармонлари, қарор в қонунлар ўрганилади);

б) бозор иқтисоди муносабатлари;

в) маънавий дари (талабаларга ўқилаётган маънавий асослари бўйича ҳамда ислом тарихи ва қонун - қоидаларини яхши биладиган мутахассисларни ҳам жалб этган ҳолда);

г) шарқ педагогикаси;

д) шарқ фалсафаси

Ушбу маърифий ишларни уюштириш учун маънавий ва маърифат бўлими ходимлари масъулдирлар. Улар дарс мавзуси, режа ва дастурларни, дарс жадвалларини, маърузачи профессор-ўқитувчиларни, четдан таклиф қилинаётган маърузачилар тайёрлашлари ва таъминлашлари лозим. Дарсларни ташкил этишда эса факультет деканларининг муовинлари бўлим ходимларига яқиндан ёрдам қилишлари керак.

Буларнинг барчаси маънавий ва маърифий ишларнинг мазмуни ва йўналишини аниқлашчи тадбирлардир. Зеро, таълим тизимидаги ёшларни орасида бўладиган маънавий ва маърифий ишларни шартли равишда бир неча мажмуа (блоклар) га бўлганлик. Ана шу мажмуалар бўйича тузилган режалар ёшларга маънавий тарбия беришнинг қандай савияда эканлигини кўрсатувчи мезондир. Мазкур мажмуаларнинг, дейлик, биринчиси, талаба-ёшларнинг билим доираси, умуммаданияти ва савиясини юксалтиришга бағишланган викториналар, гуруҳлараро, курслараро билимдонлик ва зукколик юзасидан мусобақалар ташкил этишдан иборат. Бунда ташкилотчилар Ватанимиз, қардош халқлар, умумжаҳон адабиёти, санъати, умуман маданиятига оид саволлар тузиб, иштирокчиларнинг бу борадаги билимларини синайдилар, ғолибларга тантанали суратда совринлар топширадилар. Бундай тадбирлар иштирокчиларни рағбатлантиришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Билафонлик, зукколик кўрсатган талабаларга нисбатан тангдошларида ҳавас уйғотиши, уларда “Мен ҳам ўшандай бўлолмайманми?” деган интилиш туғдириши, ғолибларни тантанали тақдирлаш бошқаларда ҳам ўшаларнинг ўрнида бўлиш орзусини уйғотиши лозим. Бир гап билан айтганда, билафонликни, зукколикни талаб этувчи викторина, мусобақа каби тадбирлар маънавий ва маърифатни улуғловчи катта ташвиқий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Агар, борди-ю, бундай тадбирлар хорижий тилларни билиш мусобақасига мўлжалланган бўлса-да, яна-да яхши. Чунки ҳозирги пайтда хорижий тилларни мукамал ўрганмай туриб, чинакам, мукамал кадр саналиш қийин бўлиб қолди. Бу бугунги куннинг талаби ва давр эҳтиёжидир.

Маънавий ва маърифий ишлар юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг муайян мажмуи халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, расм-русмлари асосида тайёрланиб, талаба-ёшларда миллий қадриятларимизга ҳурмат уйғотиш руҳида ўтказилиши муҳимдир. Шунинг ҳам айтиш керакки бунда миллий ўзига хосликка ҳаддан ташқари эътиборни қаратиш, бошқа миллатларнинг анъаналари,

урф-одатларини озгина бўлса-да камситиш, беҳурмат қилиш кабиларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Миллий кадриятлар бўйича тайёрланадиган тадбирлар умуминсоний кадриятлар бағрида, у билан ички, узвий алоқадорлик тарзида ўтказилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида қарор. ПҚ-3160-сон.
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни.Т.: 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Тошкент, “Маънавият”, 2017, - 416 б.
4. Алқаров И.,Маматқулова Р., Норқулов Х. Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т. – 2009. – 45 б.
5. Гулбоев Т, Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш. Навоий 2001 й.
6. Мангал С.К., Мангал Ума. Эдусатионал технологи. Деҳли. – 2012.
7. Мавлонова Р., Нормуродова Б., Раҳмонкулова Н. Тарбиявий ишлар методикаси. Ўқув қўлланма. Т. – 2010. – 336 б.
8. Шодмонова Ш, Хошимова М, Файзуллаева Н. Тарбиявий ишлар методикаси. Ўқув қўлланма. Т. – 2010. – 185 б.